# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№11 (8.595) ◆ 1995 йил 25 январь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда




*Хусусийлаштириш — давр талаби*

## ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА АЙЛАНГАЧ

*Республикамизда енгил саноатни ривожлантиришда, ички бозорни тўлдиришда «Тошкент тўқимачилик комбинати» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу жамоа сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб жаҳон бозори ярмаркаларидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Мана шу туфайли ҳам кўплаб хорижий давлатлар ҳамкорлик қўлларини чўзмоқда. «Интилганга толе ёр» деб бежиз айтмаган доноларимиз. 1995 йилнинг дастлабки кунларида бирлашма «Тўқимачи» ҳиссадорлик жамиятига айланди. Жамоатчи мухбирларимиз жамият раиси Ботир Эргашев билан суҳбатда бўлишди.*

— Ботир Қодирович, эндиликда жамоа ҳиссадорлик жамияти сифатида «Енгилсаноатсармоя» ҳиссадорлик компанияси таркибига кирмоқда. Айтингчи, бундан кейин ишчи-ходимлар ва мутахассисларни яқин келажакда нималар кутяпти?

— Саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни жадал бормоқда. Ўзбекистонда мазкур жараёнга тармоғимиз асос солди. Яқин кунлар ичида биз давлатдан комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватларини сотиб оламиз ва улар қуйидагича тақсимланади: 31 фоизи — комбинатга, 30 фоизи давлатга, 20 фоизи -хорижий сармоядорларга, 10 фоизи «Енгилсаноатсармоя» ҳиссадорлик компаниясига, 9 фоизи эркин сотувга. Дарвоқе бу тўққиз фоиз акцияларни ҳам комбинат ходимлари ўртасида тақсимлаш мақсадида сотиб олишга қарор қилдик. Акцияларнинг баҳоси ҳиссадорларнинг, яъни меҳнат жамоаси аъзоларининг умумий мажлисида белгиланади. Акцияларнинг бир қисми кўп йил ишлаганларга имтиёзли равишда берилади.

— Ҳиссадорлик жамиятининг тузилиши билан нима ўзгаради? .

— Гап шундаки, айни дамда хом ашёни жаҳон баҳосида тоннасига 1600 долларга сотиб олишга қурбимиз етмайди. Шунинг учун бизни хом ашё билан «Енгилсаноатсармоя» таъминлайди. Бозор қонун-қоидаси эса жуда оддий: ким тўласа, ўша шарт қўяди.

Маълумки , қайта таъмирлашни якунламагунча, ип ва энли матолар ишлаб чиқаришни кўпайтирмагунимизча молиявий жиҳатдан эркин бўла олмаймиз. Бунинг устига, давлат буюртмаси бозор шароитида қатор имтиёз ҳам беради. Зеро, кейинчалик қайта ишлаб чиқариш эмас, балки маҳсулотни сотиш асосий аҳамият касб этади.

— Қайта таъмирлаш ва техникавий қайта жиҳозлаш жараёнини давом эттириш учун имконият борми?

— Иқтисодий қийинчиликларга ва муаммоларга қарамасдан биз янги йилда 1-фабрикага 200 дона СТБ дастгоҳини ва 2-фабрикага 14 та ППМ йигирув жиҳозларини харид қилиш учун маблағ ажратамиз. Энг асосийси — ип фабрикасини қайта жиҳозлашимиз керак. Бу ерга бир дақиқа ичида 3000 маротаба айланиш қувватига эга бўлган, АҚШда тайёрланган технологияни ўрнатиб, фойдаланишга қўямиз. Агар шу ишимизни амалга ошириб олсак, иш унумдорлиги янада кўпаяди. Бунда сўзсиз маҳсулот сифатига ҳам тўлиқ кафолат бера оламиз.

— Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш бўйича қандай вазифалар турибди?

—1995 йилда биз камида 176 миллион квадрат метр тайёр газлама, 280 миллион дона ғалтак ип ишлаб чиқаришимиз лозим. Бундан ташқари истеъмолчиларга ўзига хос ички валютамиз бўлмиш калава ва тайёр газлама етказиб бериб, эвазига ускуна, гарнитура, кимёвий дориворлар ва бўёқлар олишимиз керак. Шу боис бу вазифанинг жуда оғирлигини ва уни бажариш фабрика ва шохобчаларнинг уч сменали иш тартибига ўтишини, баъзи ишлаб чиқаришларнинг кун бўйи ишлашини тақозо этишни яна бир бор таъкидламоқчиман.

— Тўқимачиларни ижтимоий ҳимоя борасида қандай янгиликлар кутмоқда?

— Ишчидан иш талаб қилишдан олдин, унга шароитни яратиб бера билиш керак. Ана шундагина кутилган натижага эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам ётоқхона, болалар боғчаси, тиббиёт бўлими, профилакторий-санаторийларга, спорт мажмуаси, маданият саройига ва бошқа ижтимоий муҳофаза учун маблағ ажратаяпмиз. Чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатига қараб қўшимча ҳақ тўлаш, тушликка товон пули учун ҳам катта маблағ сарфлаяпмиз. Албатта, бунинг эвазига ишчи-ходимларимиз ҳам ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилиб, хом ашё ва ва электр қувватини тежашда ўз тадбиркорликларини кўрсатишмоқда.

Суҳбатни
Александр ГЕХТЛЯР ва Толиб НУРМУҲАМЕДОВлар ёзиб олишди.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### Қ. Ж. ҲАҚҚУЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлат органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, нефть саноати комплексини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясининг раиси Қайим Жалилович Ҳаққулов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 январь.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ХОДИМЛАРИ В. А. РУМИ ВА Ҳ. Ш. АБДУСАМАТОВНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали хизматлари, илм-фанни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун фахрий унвон берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ»**

РУМИ Виктория Артемовна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораториясининг илмий маслаҳатчиси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

АБДУСАМАТОВ Ҳафиз Шоаҳмедович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қўлёзмалар институтининг етакчи илмий ходими

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 январь.



Жаҳон бозори ярмаркасига қўйилган халқ истеъмоли буюмлари орасида Тошкент чинни заводида тайёрланган маҳсулотлар ҳам ўрин олган. Айниқса корхонада ишлаб чиқарилаётган ихчам ҳажмли пиёла ва турли хилдаги чинни термалар кўпчиликнинг эътиборини қозонмоқда. Сархил чиннилар бугунги кунда бошқа давлатларда тайёрланаётган чинни маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади.

СУРАТДА: корхонанинг гул чизиш цехида қизғин иш палласи.

Козим Ўлмасов олган сурат.

## Бугунги кун нафаси

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА

❑ 23 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов, 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика молия вазири Б. Ҳамидов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Рожер Маканик бошчилигидаги миссияси вакиллари билан учрашдилар.

❑ Самарқанддаги «Парвина» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси мутахассислари бир кеча-кундузда 500 килограммдан зиёд шоколадли юмшоқ пишлоқ тайёрлайдиган кичик корхона ихтиро этдилар.

❑ Бухоро шаҳрида болаларнинг кундузги шифохонаси иш бошлади.

❑ Наманган тумани ўзининг автотранспорт корхонасига эга бўлди. Дастлабки йўловчилар ва юклар белгиланган манзилга элтилди.

❑ Жиззахдаги «Сўғдиёна» фирмаси болалар учун калишлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Фирма жиҳозлари Молдавиядан келтирилди.

❑ Кеча Тошкентда СПИД масалалари бўйича семинар-кенгаш ўз ишини бошлади. Шуниси диққатга сазоворки, унинг ишида иштирок этиш учун кўплаб оммавий ахборот воситаларининг ходимлари таклиф этилган.

❑ Фарғона ёғ-мой комбинатида атир совунлар ишлаб чиқарадиган цех қурилиши ниҳоясига етмоқда. Бу ерга келтирилган ва монтаж қилинган итальян жиҳозлари маҳаллий хом ашёдан юксак сифатли совунлар тайёрлайди.

❑ Қўқонда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки вилоят бўлимининг филиали очилди.

❑ Сирдарё вилоятида умумий овқатланиш корхоналари мутахассисларининг анъанавий кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Гулистон шаҳрининг қўли ширин ошпазлари ғолиб чиқишди.

❑ Республика Ногиронлар жамиятининг таклифига биноан Халқаро меҳнат ташкилоти мутахассиси Ренни Жеймс хоним Буюк Британиядан Ўзбекистонга келди. У Ўзбекистонда ногиронлар учун меҳнат ва саломатликни тиклаш маркази қурилишига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги билан танишади.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Украина Президенти Леонид Кучма кеча Москвага амалий ташриф билан келди. Куннинг иккинчи ярмида у Россия Президенти Борис Ельцин билан учрашди.

❑ Россия ёқилғи ва энергетика вазири Юрий Шафраник Чеченистондаги нефть секторини тиклаш учун тахминан 1,2 триллион рубль лозимлигини айтди.

❑ Тожикистон Президенти мамлакатда Президент гвардиясини ташкил этиш тўғрисида Фармон берди.

❑ Грузия ҳудудида газ қувури портлаши оқибатида шанба куни эрталабдан тўхтаган газ Арманистонга яна етказиб берила бошланди. Кичкина ҳажмдаги вақтинчалик газ қувури ишга туширилди.

❑ «Барнаултрансмаш» ҳиссадорлик жамиятида «Жигули»нинг биринчи дизель двигатели йиғилди. Унинг қуввати 90 от кучига эга бўлиб, юз километр масофа учун 5 литр ёнилғи сарфлайди.

❑ Қримда педагоглар иш ташладилар.

❑ Чеченистон можаросида тўрт журналист ҳаётдан кўз юмди.

❑ 6 майдан 16 майгача Санкт-Петербургда МДҲ халқларининг спартакиадаси ўтказиладиган бўлди.

❑ Алматида ўтказилган каратэ бўйича халқаро турнирда Ўзбекистон вакиллари муваффақиятли қатнашиб, 12 та медалга сазовор бўлишди. Жамоа устози, Тошкент шаҳар каратэ федерацияси президенти Нурхон Нафасовга халқаро миқёсдаги сертификат берилди.

### ХОРИЖДА

❑ Литвага Руминия сенати делегацияси келди.

❑ Карел Пенкстен Бельгия миллий мудофаа вазири этиб тайинланди.

❑ Рим папаси Иоанн Павел II ўзининг ҳафталик мурожаатномасида халқаро ҳамжамият Чеченистондаги воқеалардан ташвишда эканлигини айтиб, католикларни чечен қочоқларига ёрдам кўрсатишда бирлашишга даъват этди.

❑ Зилзиладан зарар кўрган Япониянинг Кобэ шаҳрида биринчи талончилик содир бўлди. Полиция маълумотларига кўра шаҳар марказидаги дўконлардан 100 минг долларга яқин қийматдаги моллар ўғирланган.

❑ Массачусетс штатидаги ўз уйида АҚШнинг ўлдирилган президентининг онаси Роуз Кеннеди 104 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

❑ ФИФАнинг ҳакамлик гувоҳномалари ва нишонлари ўзбекистонлик беш нафар футбол ҳакамига топширилди. Энди ана шу ҳакамлар халқаро футбол учрашувларини бошқаришга ФИФА томонидан таклиф қилинади.

## УЗИЛМАГАН ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Маълумки ўтган йилнинг декабрь ойида Антонов номидаги конструкторлик бюросининг бош конструктори П. В. Балабуев Киев авиация заводида ишлаб чиқарилган АН-70 самолётининг биринчи маротаба ҳавога кўтарилиши муносабати билан корхона номига табрик йўллаган эди. «Рабочая трибуна» газетаси самолётнинг биринчи парвози ҳақида ёзиб қуйидагилар ҳақида тўхталди:

«...АН-70 самолётини ҳавога уч давлат—Украина, Россия ва Ўзбекистон самолётсозлари кўтардилар... Қайта қуриш шоввозларининг халқлар ҳамдўстлигини тўла-тўкис бузиб юбора олмаганликлари туфайлигина самолёт кўкда қанот ёзди.

Қанотларни эса Тошкентда тайёрлаб бердилар. Биринчи қанотлар учмоқдалар. Иккинчилари синовдан ўтказилмоқда, учинчилари эса АН-70Т модели учун тайёрланмоқда.

Самолётни ҳавога кўтаришда эса МДҲнинг 880 дан ортиқ корхоналари иштирок этди. Бу дегани, келгуси йилларда Ҳамдўстлик мамлакатларида 56 минг киши, Украинада 27 минг киши иш билан банд бўлади...»

Мақола охирида уч давлат ўртасидаги битим асосида бундан кейин АН-70 ва АН-70Т маркасидаги самолётларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва таъмирлаш учун 20 дан ортиқ корхоналар жалб қилиш иши ҳам айтиб ўтилган.

Бир сўз билан айтганда эса АН-70 самолёти иқтисодий алоқаларимиз тўла-тўкис узилиб кетмаганлигини ва у бизга керак эканлигини исботлаб беради.

Илҳом ЭШМАТОВ.

## ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ МАРКАЗИ

*Республика ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш янгича ёндашувни талаб қилади. Тошкентда журналистларни қайта тайёрлаш маркази ишлай бошлади. Уни ташкил этишдан мақсад — ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги пайтда тўғри йўлни танлаб олишда ёрдам бериш. Журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, уларга журналистиканинг замонавий усулларини ўргатишдан иборат. Марказни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан Республика Давлат матбуот қўмитаси ташкил этди.*

Марказ ўз ишини туман газеталари муҳаррирларини ўқитишдан бошлагани ҳам тасодиф эмас. Ўқув дастури жуда тиғиз. Учрашувлар янгича, баҳс шаклида ўтди. Республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб, ўз бўлинмаларининг бозор муносабатларига ўтиш шароитидаги иши ҳақида сўзлаб бердилар. Ўзбекистон жамоат ташкилотларининг намояндалари халқ маънавиятини ва миллий ўзлигини англашини қайта тиклаш режалари ва бу ишлар қандай амалга оширилаётганлиги билан таништирдилар.

Бир ҳафталик курс тингловчилари республика газеталари таҳририятларида бўлдилар. Улар қўшимча даромад манбаи сифатида рекламадан фойдаланиш, обунани ташкил этиш ва газета тарқатиш каби янги иш шакллари билан танишдилар. Кўпгина нашрларда газета чиқариш жараёнини анча тезлаштиришга имкон берадиган техника воситаларидан фойдаланилмоқда. Журналистлар «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ва «Правда Востока» газетаси компьютер марказларини кўздан кечириб, газета чиқаришда компьютерларни қўлланишнинг афзалликларига ишонч ҳосил қилдилар.

Туман газеталари муҳаррирларини қайта тайёрлаш марказ фаолиятининг дастлабки босқичидир. Бу ерда вилоят ва республика оммавий ахборот воситалари раҳбарларини ўқитиш дастурлари ишлаб чиқилган. Бошланган ишнинг муҳимлигини англаб етган вилоят ҳокимликлари, республиканинг йирик корхона ва ташкилотлари марказни пул билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Анна ИВАНОВА.
ЎзА мухбири.

*Пойтахтимиз истиқболи*

## ЭСКИ ШАҲАРЛИКЛАРГА ҚУЛАЙ БЎЛСИН ДЕБ

Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарори чиққан эди. Шундан бери ўтган вақт ичида мутасадди ташкилотлар пойтахтнинг Эски шаҳар қисмидаги ишларни жадал суръатларда бошлаб юбориш билан бир қаторда келгусида қилинадиган ишларни режалаштириб олишмоқда. Шулардан бири Эски шаҳарда ташқи муҳитга зарари йўқ электр транспортини қисқа муддат ичида ўтказишдир. Режа бўйича биринчи босқичда 50 километр троллейбус йўллари ишга туширилиши керак. Шу йўллардан учтасини «Ўзэлектртиклаш» трести, биттасини Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг 4-қурилиш-тиклаш бошқармаси амалга оширишади.

Бундан ташқари Юнусободда 150 та машинага мўлжалланган троллейбус саройи қурилиши мўлжалланмоқда. Бу ишни «Тошсаноатқурилиш» трести бинокорлари олиб боришади. Бунга муҳандислик коммуникациялари, ишлаб чиқариш биноси ҳамда троллейбуслар сақланадиган майдон киради. «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасига қарашли трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг қурилиш-таъмирлаш ташкилоти эса ўнта электр кучини мослаб берадиган мосламалар қурилишини ниҳоясига етказдилар.

Шу йилнинг ўзида 76 та янги троллейбус олиниб, 5 та транспорт қатновини назорат қиладиган махсус бинолар фойдаланишга топширилади.

«Ўзэлектртиклаш» трести ишчилари электр кучини мослаб берадиган ускуналар, симларнинг уланадиган жойларини тиклайдилар. Электр кабелларини ўтказадилар.

Бу ерда айниқса «Ўзбеккабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи в хизматчиларига катта ишонч билдирилди. Улар бу муҳим қурилиш учун10 хил электр симларини ишлаб чиқариш мажбуриятини олишган.

Кўчаларни кенгайтириш ва транспортлар қатновига қулай шароит яратиб бериш эса «Ўзавтойўл» концерни ҳамда шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси зиммасига юклатилган. «Тошшаҳарлойиҳа», «Тошшаҳарлойиҳатранс» институтлари қурилишни лойиҳалар билан таъминлайдилар. «Ўзэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси эса бу ерга электр ускуналари етказиб берадилар.

Шундай қилиб юқоридаги қурилишлар битгандан кейин Эски шаҳарликлар метро ва шаҳар марказига бир зумда етиб олишлари мумкин.

Ғулом ЮСУПОВ.

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

*23 январь куни Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тошкент шаҳар эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Тошкент шаҳар ҳокими К.Н.Тўлаганов олиб борди.*

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари М.А.Зиёева ва бошқа нотиқларнинг чиқишларида Тошкент шаҳар ҳудудини вабо ва бошқа ўта хавфли юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишидан муҳофазалаш борасида ўтган йили ўтказилган тадбирлар ҳамда 1995 йилдаги вазифалар ҳақида атрофлича сўз борди. Сўзга чиққанлар 1994 йилда ер юзининг бир қатор мамлакатларида вабо ва бошқа ўта хавфли ёқумли касалликлар бўйича эпидемиологик вазият мураккаб бўлганлигини, шаҳар эпидемияга қарши фавқулодда комиссиясининг йиғилишлари вақтида ўтказилиб турилганлиги, уларда касалланишнинг олдини олишга қаратилган энг долзарб масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул этилганлигини таъкидладилар, жойларда мутахассислар эпидемияга қарши тадбирларни ўз вақтида ва пухта адо этдилар. Лекин шу билан бир қаторда йиғилганлар эътибори хонадонлар ва бир қатор ташкилотлар томонидан шаҳримиздан оқиб ўтадиган анҳорлар суви ифлослантирилиши ҳоллари юз берганлиги, анҳорларнинг қирғоқлари қисмига санитария қоидаларига хилоф равишда дала ҳовлилар қурилгани, уларнинг оқава сувлари шу анҳорга туширилаётганлиги каби нохуш ҳолларга ҳам қаратиб ўтилди. Мажлисда шаҳар ҳудудининг санитария аҳволини яхшилаш, маиший чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиш ва йўқотиш бўйича вазифалар талаб даражасида бажарилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Хулоса қилиб айтганда вабо ва бошқа ўта хавфли юқумли касалликларининг кириб келиш ва тарқалиши олдини олиш фақат тиббиёт ходимларининг вазифаси бўлибгина қолмай, унинг олдини олишда ҳокимликлар, коммунал-хўжалик идоралари, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, савдо ташкилотлари, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва бошқа мутасадди идоралар фаол иштирок этишлари кераклиги таъкидланди, туман ҳокимликларига, бир қатор бош бошқармалар ва бошқармалар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Тошкент шаҳар эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ш.И.Каримов иштирок этди.

*Спорт*

## КУЧЛИ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШАДИ

Куни кеча республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида бухороча миллий кураш бўйича ўтказиладиган халқаро мусобақа ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу халқаро мусобақа буюк аллома ва муҳаддис Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишланиб, 7-9 апрель кунлари Термиз шаҳрида ўтказилади. Мусобақада қатнашиш учун Афғонистон, Покистон, Туркия, Хитой сингари шарқ давлатлари ҳамда Россия, Озарбайжон, Грузия ва МДҲнинг бошқа давлатларидаги полвонларга ҳам таклифномалар йўлланди.

Айни кунларда шаҳримиздаги барча спорт масканларидаги полвонлар ушбу нуфузли мусобақада қатнашиш учун қизғин тайёргарликни бошлаб юборишди. Бу бежиз эмас. Чунки мезбонларнинг хабар беришларича, Сурхондарё вилоятида ҳам миллий кураш байрамига улкан тайёргарлик аллақачон бошланган. Совринлар ҳам тайин: мутлақ биринчиликни олган полвонга — «Жигули» автомашинаси, иккинчи ўринга — учқур тулпор от ва учинчи ўрин учун — битта туя белгиланган. Хуллас, машқларни кучайтиринг, полвонлар!

Бобур ҲАСАНОВ.



Бозор иқтисодиёти чорраҳаларида

# "МАЛИКА"ДАГИ ТАДБИРКОРЛАР

**Шаҳримиздаги "Малика" трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганлигига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа вақт ичида корхона тараққиёт йўлидан бориб ўрнак олса арзийдиган анча-мунча ишларни ҳам амалга ошириб улгурди. Яқинда мухбиримиз ушбу корхонада бўлиб, унинг бугунги куни, янги усулнинг афзалликлари ва келажак режалари ҳақида жамият бошқарувининг раиси Рустам ҒУЛОМОВ билан суҳбатлашди.**





**— Рустам Маҳкамович, аввало сизни бўлиб ўтган демократик сайловларда Тошкент шаҳар Кенгашига депутат этиб сайланганингиз билан табриклаймиз.**

— Раҳмат.

**— Шубҳасизки, бу юксак ишонч масъулиятингизни янада оширади.**

— Бу табиий. Корхона ташвиши — эл ташвиши дегандек... Бинобарин сайловчилар менга ишонч билдиришибдими, шунга яраша уларнинг умид ва орзуларининг амалга ошишида камарбаста бўлишим керак.

**— Албатта бу галги сайловлар олдингиларидан кескин фарқ қилади. Халқ қўлидан иш келадиганларни ёки кимнинг нимага қодирлигини ҳис этган ҳолда унга овоз берди. Одамларнинг бундай катта ҳурматига сазовор бўлишингиз биринчи навбатда сизни ўзингиз раҳбарлик қилаётган корхонадаги фаолиятингиз, жўшқин меҳнатингиз билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, келинг суҳбат мавзуини "Малика"нинг бугунги куни билан боғлаб кўрайлик.**

— Бажонидил. Агар монеълик бўлмаса, бироз анъанадан қочиб, гапни корхонанинг ҳиссадорлик жамиятига айланганидан бошласак. Яқинда тўртта маҳсулотимизга стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон Давлат маркази ҳамда Ўзбекистон Республика сертификатлаштириш миллий тизими мувофиқлик сертификатини берди. Бу ушбу маҳсулотлар сифати, намунавийлиги ва харидоргирлиги билан жаҳон андозаларига тўғри келади деган сўз. Яна шуниси қувончлики, республикада биринчи бўлиб "Малика"да тайёрланган маҳсулотлар эришди бу шарафга.

**— Уларнинг номларини санаб ўтиш мумкинми?**

— Марҳамат. Улар асосан болалар учун тайёрланган кўйлак, майка, футболка ва трусиклардан иборат. Буни ҳиссадорлик жамиятига айланганимиз шарофати деб тушунмоқ керак.

**— Сир эмас, ҳозир кўпгина корхоналар зўрбазўр иш юритаяпти. Улар орасида таназзулга учраётганлари ҳам йўқ эмас. Иқтисодчи раҳбар сифатида айтинг-чи, уларни бу ҳолатдан олиб чиқиб кетишнинг йўли борми?**

— Бор. Бунинг бирдан бир йўли — хусусийлаштириш ва яна хусусийлаштиришдир. Лекин бу усулга ўтишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Бунинг учун махсус тайёргарлик лозим. Зеро, гап хусусийлаштириш ҳақида борар экан, юртбошимиз Ислом Каримовнинг республика Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгаш мажлисида айтган ушбу сўзларни эсга олиш ўринли деб ўйлайман. "Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотдан асосий мақсад — бозор муносабатларини қарор топтиришдан, демократик ҳуқуқий давлат қуришдан иборат. Бу йўлда республикамизда ишлаб чиқилган беш тамойил дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Мана шу тамойиллардан бири бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишдир. Бунда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бошқача айтганда, уни ҳақиқий эгаларига топшириш, айниқса хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уни давлат томонидан рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади".

Бу фикрнинг нақадар тўғрилиги ҳақида бир ҳаётий мисол келтирмоқчиман. Ҳозир сиз шаҳримиздаги хоҳлаган хусусийлашган дўконга кирсангиз, ундан истаган нарсангизни топасиз. Маҳсулотлар шу қадар серобки, уларга қараб кўз қамашади. Ана сизга мулкни эгасига топширишнинг исботи.

Узоққа бормай, шу мисолни "Малика" фаолиятида кўриб чиқайлик. Бозор иқтисодиётининг қийинчиликлари бизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Маҳсулот танқислиги, турли етишмовчиликлар бизда ҳам учради. Ушбу ҳолатдан чиқиб кетишнинг турли йўлларини қидирдик. Ўйлай-ўйлай Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан корхонани хусусийлаштиришга қарор қилдик. Шундай қилиб, ҳиссадорлик жамиятига ўтиб ишлашга жазм этдик. Бу таклифни жамоамиз бир овоздан маъқуллади. Ўтган йилнинг июлидан бошлаб янги усулга ўтиб ишлай бошладик.

**— Ўтган давр мобайнида янги усулнинг афзалликлари сезилиб қолгандир?**

— Юқорида мен тўрт маҳсулотимиз мувофиқлик сертификати олганлигини айтдим. Энди бир рақам келтирай. Ўтган йили корхонамиз 17 миллион 505 дона трикотаж буюмлари ишлаб чиқарди. Ёки бўлмаса 113 миллион 379 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, йиллик белгиланган режани ортиғи билан бажардик. Энг муҳими, ишчи ва хизматчиларимизнинг меҳнатга бўлган қизиқишлари ортди. Улар ўз корхоналарининг чинакам хўжайинига айланишмоқда. Маҳсулот сифати ошди. Унумдорлик ҳам тобора юксалиб бормоқда. Ишлаб чиқаришимиздан кўплаб Германия, Италия, Япония, Чехия ва Словакия, Украина, Россия дастгоҳлари ўрин оляпти. Натижада буюмлар тури кўпаймоқда. Биргина январь ойининг ўзида 14 хилда янги маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шунга яраша ойлик маош оляпмиз. Бугунги кунга келиб, бир ишчининг ўртача ойлиги 700 сўмни ташкил этмоқда. Январь ойида бу миқдор янада ортиши кутилмоқда. Агар бунга акция қоғозларига эга бўлганлар ўртасида соф даромаднинг тақсимланишини қўйсам, бу кўрсаткич янада ошиб кетади.

**—Билишимча, "Малика" очиқ ҳиссадорлик жамиятига ўтиб ишлаётган экан, бу усулнинг ёпиқ усулдагисидан фарқи нимада?**

— Ёпиқ усулдаги ҳиссадорлик жамиятида акциялар фақат жамоа ва давлат ўртасида тақсимланади. Бунда рақобат унча кучли бўлмайди. Очиқ усулдаги ҳиссадорлик жамиятида эса акциялар беш йўналиш бўйича тақсимланади, яъни 30 фоиз акция корхона жамоасига, 21 фоизи давлатга, 10 фоизи "Енгилсаноат сармоя" ҳиссадорлик компаниясига, 29 фоизи хорижий сармоядорларга, 10 фоизи эса эркин сотувга чиқарилади. Бунда рақобат мана шу бешта акциядорлар ўртасида боради. Агар улардан ҳар бири биринчи бўлиб кўпроқ акцияни қўлга киритса, корхона соф даромадининг кўп қисми ҳам ўшаники бўлади. Бу биринчидан, ишчиларни тезроқ акцияларни сотиб олишга ундаса, иккинчидан, уларни кўпроқ даромад олишга чорлайди. Шу йўналишда баъзи хато ва камчиликларга ўрин қолдирмаслик учун корхона қошида кузатув ва назорат ҳайъати тузилган. Уларнинг аъзолари ишларни мувофиқлаштириб олиб боришади. Акциялар сотиб олиш усулида ҳам маълум чегара бор. Масалан, 20 йил ва ундан ортиқ муддат шу корхонада фаолият кўрсатаётган ишчига 15 тагача акция сотиб олишга рухсат этилади. Беш йиллик иш стажига эга бўлганларга 3 тагача, бир йил давомида меҳнат қилаётганлар 1 тадан акция олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир акция бир овозга эга бўлади. Ҳозирда 1 миллион сўмдан ортиқ акцияларни сотиб олдик.

**— Маълумки, бозор иқтисодиёти даврида ҳар қандай корхона чет эл фирмалари билан алоқа боғлаши, у ерда тайёрланаётган маҳсулотларни тезроқ жаҳон бозорига чиқишига йўл очиб беради.**

— Бу нарса изланишларимизнинг асосини ташкил этади. Шу мақсадда Испаниянинг "Велорассо" фирмаси, Германиянинг "Адидас" фирмаси, Покистон ва Россиянинг бир нечта фирмалари билан ўзаро алоқа боғлаганмиз. Улар билан биргаликда маҳсулот чиқариш ва айрибошлашни йўлга қўйганмиз. Айниқса, янги усулга ўтиб ишлаб, маҳсулотимиз сифати ошгандан кейин чет элликларнинг буюмларимизга бўлган талаби кучайиб бормоқда. Улар орасида биз билан ҳамкорлик қилиш ниятида юрганлари ҳам кўп.

**— Ҳозир кўп корхоналар маҳсулот танқислигидан шикоят қилишдан чарчашмаяпти...**

— Бу албатта "Олма пиш, оғзимга туш" деган кайфиятда юрувчи раҳбарларга хос. Улар ишлаб чиқаришда корхонанинг ўтириб қолишини ўзларидан соқит қилиш учун шу гапни рўкач қилишади. Наҳот улар бунақа сансалорлик, буйруқбозлик замонлари аллақачон ўтиб кетганлигини тушунишмаса? Ҳозир раҳбардан биринчи навбатда ишбилармонлик, тадбиркорлик талаб қилинмоқда. Агар у ўзида шундай хислатларни сингдиролмаса, барча уринишлар беҳуда. Йўқдан йўндириш, излаб имкон топиш йўлларини қидириш керак. Хўш, айтайлик, бизда шунақа муаммолар йўқми? Истаганча топилади. Лекин ҳамжиҳатлик билан ишлаб, уларни бирин-кетин ҳал этиб боряпмиз. Масалан, бизда маҳсулот танқислигига деярли барҳам берилди. Олдин асосий хом ашёни Россиядан олардик. Қарасак, узилишлар, устига устак маҳсулот таннархи ошиб боришидан қутиладиган эмасмиз. "Ҳой барака топгурлар, ахир инсоф қилинглар", деганимиз сари нарх кўтарилиб борарди. Бунақада косамиз оқармайдиган. Хом ашёни ўзимиздан топиш йўлларини қидирдик. Фарғона, Наманган каби вилоятлар билан алоқа боғладик. Шу аснода танқисликдан қутулдик. Ҳозир Россиядан фақат химикат, ранглар ва игналар сотиб оламиз.

Яна бир янгилик. Бир нечта вилоятларда ўзимизнинг дўконларимизни очишга эришдик. Бу ерли аҳоли учун ҳам, биз учун ҳам қулай ва фойдали бўляпти.

**— Ҳозир шунақа дўконлардан нечта ва улар қаерларга жойлашган?**

— Тошкентда иккита дўкон, кейин Самарқанд, Сурхондарё, Риштон, Қорасув ва Ғиждувонларда биттадан шунақа дўконларииз ишлаб турибди.

**— Шундай катта корхонанинг албатта жойларда филиаллари ҳам бўлса керак. Уларда аҳвол қандай?**

— Бирлашмамизда 5 минг, бош корхонамизда эса 3,5 минг одам ишлайди. Уларнинг 90 фоизи аёллар. 4 та филиалимиз бор. Улар Шароф Рашидов, Фаробий, Новоульяновский кўчалари ва "Тошсовет" кинотеатри яқинида жойлашган. Уларда ҳам иш бир маромда бормоқда. Ушбу корхоналарга тажрибали кишилар раҳбарлик қилишади. Маҳсулотларимизнинг асосий қисмини трикотаждан тайёрланган эркаклар, аёллар, болалар учун устки ва ички кийимлар ташкил этади. Ҳиссадорлик усули корхонамизни кам чиқиндисиз ишлашга олиб келди. Ўтган йили биргина мана шундай чиқиндилар эвазига 500 минг квадрат метр ватин тайёрлаб чиқардик. Агар уни пулга чақиштирсак 695 минг сўмни ташкил этади.

**— Ишчиларга яратилган шароит ва корхонанинг келгуси режалари ҳақида гаплашсак.**

— Куни кеча ишчиларимизга 14-ойлик тарқатилди. Корхона қошида учта болалар боғчаси ишлаб турибди. Буларда асосан ишчи ва хизматчиларимизнинг болалари тарбияланишади. Ҳумсонда 100 ўринли дам олиш зонамиз бор. Ишчиларнинг ижтимоий ҳимояси йўлида ҳам йил бошидан бери бир нечта тадбирларни амалга оширдик.

Режаларимиз ҳам ўзига яраша. Ишқилиб сафимизда Маҳамадамин Обидов, Ёқутхон Ҳасанова, Яшнасин Тожиева, Баҳодир Иброҳимов, Зикрилла Абдуллаев, Аброрхўжа Маъруфхўжаев сингари ишбилармонларимиз бор экан, кўзлаган маррага эришилажаклигимизга ишончимиз комил. Ўтган йил оғирчиликларини оқилона ҳал этган жамоамиз янги 1995 йилни ҳам самарали якунлашига умидвормиз. Йил бошида қўлга киритаётган ютуқларимиз шундан далолат бериб турибди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

*СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар: (чапда) илғор ишчи Шоира Охунжонова; (ўртада) цехдаги иш жараёни ва (ўнгда) илғор ишчи Сурайё Гадойбоева.*

*Козим Ўлмасов олган суратлар.*

---

26 январь — Ҳиндистон Республика деб эълон қилинган кун

# ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ



**Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг дўстона алоқалари тарихимизда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, бу алоқалар янада янги босқичга кўтарилди. Пойтахтимизда Ҳиндистон Республикаси элчихонасининг очилиши ҳамда унинг қошида ҳинд маданий марказининг ташкил этилиши бунинг самараси бўлди.**

**Яқинда мазкур маданий марказ директори, доктор Винод Бхатиа билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик. Дастлаб В.Бхатиа ҳақида икки оғиз сўз: у шарқшунос олим, Деҳли университетининг профессори. Институтни тугаллагач, ўқишни Москвада давом эттириб, шу ерда илмий ишини ёқлаган. Шарқ мавзулари, Ж. Неру ва ҳинд-совет алоқаларига бағишланган қатор материаллари ва китоблари нашр эттирилган.**

**— Давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?**

—Бизнинг дўстона алоқаларимиз кечагина бошлангани йўқ — у бир неча минг йиллик тарихга эга. Ўзбек халқининг Беруний, Самарқандий, Бобур сингари алломалари Ҳиндистон ва унинг аҳли ҳақида қимматли асарлар ёзиб қолдирганлар. Интилиш асносида улар афсонавий ҳинд тупроғига меҳр қўйдилар, ўзларининг истеъдодларини, юрак қўрларини шу юрт шоншавкати йўлида сарф этиб Ҳиндистоннинг улуғ фарзандлари қаторидан жой олдилар. Халқларимиз ҳамиша бир-бирига талпиниб яшаган, бир-бирининг маданиятларини бойитиб келган. Айниқса, Ўзбекистон мустақил бўлгач, ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланди. Икки давлат раҳбарининг муҳим ҳужжатларни имзолаши бунинг яққол далилидир. Ўйлайманки, эндиликда сиёсий ва иқтисодий алоқалар билан бир қаторда маданий алоқаларимиз ҳам ривож топади. Халқларимиз тинчлик ва дўстликнинг қанчалар бебаҳо неъмат эканлигини яхши билади. Шундай экан, аминманки, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик кўприкларини ўрнатишимизга ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайди. Дўстлик алоқаларимиз давом этаверади.

**— Сиз бошқараётган ҳинд маданий марказининг ташкил этилиши, фаолияти ва режалари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Ҳинд маданий марказлари дунёнинг турли мамлакатларида ташкил этилган. МДҲда эса улар учта: Москвада, Алматида ва Тошкентда. Маданий марказимизнинг асосий вазифаси ҳинд халқининг тарихи, маданияти, санъати халқнинг бой маданий меросини ўрганишга жалб этиш. Шу билан бирга халқларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, олий ўқув юртлариаро муносабатларни йўлга қўйиш, энг яхши талабалар билан ўзаро алмашиб туриш, ҳинд миллий байрамлари, қутлуғ саналарини оммавий равишда нишонлаш, турли кўргазмалар, экспозициялар, танловлар ташкил этиш каби мақсадларни олдимизга қўйганмиз. Фаолиятимизни бошлаганимизга кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, қатор тадбирларни амалга ошириб келяпмиз: 1994 йилнинг августида Ҳиндистон Мустақиллигининг 47 йиллигини кенг нишонладик, кейинги ойларда эса пойтахтимиздаги ҳинд тилига ихтисослашган мактабларда иншолар танловини ўтказдик. Махатма Ганди ҳақида кинофильм намойиш қилдик, ҳинд халқининг буюк фарзанди Жавоҳарлаъл Неру туғилган кунни нишонладик. Ҳиндларнинг катта миллий байрами — "Дивали"ни нишонладик. "Ҳамар" кўргазмалар саройида мусаввир Акмал Нурнинг ҳинд мавзуларига бағишланган қирққа яқин асарлари кўргазмаси бўлди, бундан ташқари, Тошкент Давлат консерваторияси қошидаги "Сўғдиёна" гуруҳи иштирокида ўзбек ва ҳинд миллий мусиқаси, концертлари, шунингдек, оммавий қўшиқ ва рақс кечалари ўтказилди. Шу кунларда Ҳиндистоннинг буюк байрамларидан бири — республика кунининг 45 йиллигини нишонлаш учун тайёргарлик кўраяпмиз. Марказимизда ҳинд кинофильмлари салони ташкил этилган. Бу ерга ташриф буюрган кишилар ҳинд фольклор ва эстрада мусиқасини тинглаб ҳордиқ чиқаришлари, йог билан шуғулланишлари, хоҳловчилар ҳинд таомларидан татиб кўришлари мумкин. Режаларимиз эса анчагина: Ҳиндистон фан ва маданияти арбоблари, таниқли санъаткорларни Ўзбекистонга таклиф этиш, улар иштирокида суҳбатлар, учрашувлар ўтказиш. Тошкент кутубхоналарини ҳинд бадиий адабиёти ва ойлик нашрлар билан таъминлаш, видеокутубхона ва ҳинд халқ миллий санъати музейини ташкил этиш...

**— Сизнингча, Ўзбекистон ва Ҳиндистон алоқалари Осиё минтақаси учун қандай аҳамиятга эга?**

— Осиёнинг бу икки қадимий юртлари азалдан бирбирига қўл бериб келган. Жўғрофий яқинлик, маданиятларимизнинг ўхшашлиги, Бобур ва Бобурийларнинг ҳинд маданиятига кўрсатган таъсири халқларимиз ўртасидаги дўстона қизиқишларни кучайтиради.

Ҳиндистон улкан давлат. Ўзбекистон ҳам бой ва иқтисодий жиҳатдан барқарор давлат. Ҳар иккала мамлакат ҳам қитъада тинчликни сақлаш ишига ҳиссасини қўша олади. Ўзбекистон танлаган йўл Ҳиндистон Мустақиллигининг илк даврида босиб ўтган йўлига жуда ўхшайди. Барча мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва тинчликни ёқлаш негизлари билан шуҳрат қозонган Ҳиндистон Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Икки томон ҳам қитъамизда тинчлик барқарор бўлиши учун бор имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилмоқда ва ишончим комилки, бу саъй-ҳаракатлар зое кетмайди.

Суҳбатдош
Ирода ДАДАЖОНОВА.

---

Олий ўқув юртларида

# ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Тошкент автомобиль ва транспорт йўллари институтининг Маданият саройи ушбу кун ҳар галгидан ҳам гавжум бўлди. Боиси, минбаргоҳда Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти декани, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди доцент Эминжон Эгамбердиев ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими, доцент Абдувоҳид Ваҳобовларнинг икки соатга яқин олиб борган қизиқарли гурунглари профессор-ўқитувчилар, институт жамоа аҳли, талабаларга ниҳоятда манзур бўлди.

Бугунги ўтиш даврида ҳуқуқий тарбия Ўзбекистон фуқароларининг асосий тарбия омилларидан бўлиб, таниқли олимлар Олий Мажлис ҳамда Фуқароларнинг бурч ва вазифалари ҳақида жонли, амалиётга яқин далиллар асосида суҳбат ўтказишди.

Институт ректорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича муовини, профессор Ғ.А.Самадов маърузачиларга миннатдорчилик билдирган ҳолда, институтда ҳуқуқий билим асосларини эгаллашнинг ўзига хос йўл-йўриқлари ҳақида ҳам тўхталди. Айниқса, институт талабаларининг ҳуқуқий давлатни ва унинг ўзига хос хусусиятларини мукаммал билишлари, келажакда эса истиқболли Ўзбекистон давлатининг малакали мутахассислари бўлиб етишишлари лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Дамир ИСАЕВ.

---

# ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ИШИ ЯХШИЛАНАДИ

"Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмасига қарашли "Тошшаҳарйўловчиавтотранс" ишлаб чиқариш бирлашмасида йиллик ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда асосан 1995 йилда шаҳар жамоат транспортининг узлуксиз ишлашини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Дастлаб бирлашма бошлиғи М.Тўлаганов 1994 йил якунларига тўхталиб, айрим автохўжаликлардаги камчиликларни таҳлил қилди ҳамда ишни яхшилаш учун мавжуд имкониятлар хусусида гапирди. Йиғилишда жорий йилга мўлжалланган режалар муҳокама қилинди. Чунончи, бу йил Германиянинг "Мерседес" ва Львовнинг ЛАЗ автобуслари ҳамда Туркиянинг "Даган" таксилари ҳисобига шаҳар маршрут тармоқларини кенгайтириш, мукаммаллаштириш, шаҳардаги бутун автотранспорт йўналишларини мувофиқлаштириб турувчи марказий диспетчерлик пункти ишини ривожлантириш масалалари хусусида сўз борди.

Маълумки, ҳозир шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Янги даҳалар қад кўтаряпти. Ишни янада яхшилаш, янги йўналишларни ишлаб чиқиш мақсадида қатнов жадваллари кўриб чиқиляпти. Қувонарли томони, автобусларни таъмирлаш корхонаси бирлашма тасарруфига ўтгач, энди таъмирлаш ишлари, эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ва тўла тиклаш ишларини бажариш ҳам мунтазам йўлга қўйилди. Ўйлаймизки, юқоридагиларнинг барчаси жорий йилда шаҳар жамоат транспорти қатновининг кўнгилдагидек йўлга қўйилишига имкон яратади.

Даврон ИСМОИЛОВ.

---

Сўраган эдингиз...

# АКЦИЗ СОЛИҒИ НИМА?

**Оқшомхонларнинг ана шу саволига Тошкент шаҳар солиқ бошқармасининг ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи ўринбосари Нодир Жўраев қуйидагича жавоб берди:**

— Акциз солиғи ҳам билвосита солиқ турларига киради, — деб таъкидлади Нодир Мўйдинович. — У бюджетга олинадиган соф даромаднинг бир қисми бўлиб, қўшимча қиймат солиғи таркибида ҳисобга олинади.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, акциз солиғи билан сотилиши лозим бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар акциз солиғи тўловчиси ҳисобланади.

Акциз солиғи билан сотилиши лозим бўлган маҳсулот турлари ва акциз ҳажмлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона ҳисобланади.

Вино-арақ, пиво, шампан виноси, тамаки маҳсулотлари, ёдгорлик буюмлари, чинни тўпламлари, биллур маҳсулотлари, мебель тўпламлари, гиламлар ва гилам маҳсулотлари, бензинга акциз солиғи солинади.

Ҳар бир маҳсулот тури учун унинг сотув баҳосига фоиз ҳисобида акциз ставкаси белгиланган.

Ҳозирги кунда баъзи маҳсулот турлари учун акциз ставкалари ўзгартирилган. Масалан, ўтган йил 1 мартидан бошлаб арақ учун 90 фоиз ўрнига 96 фоиз, 1 даражали сигареталар учун 40 фоиз ўрнига 90 фоиз акциз солиғи тўланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 25 февраль қарорига асосан ўтган йил 1 сентябрдан бошлаб 1,5 литрлик идишлардаги алкоголсиз ичимликлар учун акциз солиғи ставкаси 56 фоиз миқдорида белгиланди.

1994 йил 16 августдан бошлаб чет эл сигареталари учун ҳам акциз солиғи ўрнатилди.

Пул бирлиги ҳисобидаги сотилган маҳсулот ҳажмининг солиққа тортилган миқдори ҳисобланади.

Ҳақиқий қилинган муомалалар бўйича акциз солиғи бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

а) вино-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхоналар муомала қилингандан кейинги учинчи кун;

б) қолган барча тўловчилар — ҳар ўтган ўн кунликлар бўйича:

— биринчи ўн кунлик учун — ўтаётган ойнинг 13-санаси;

— иккинчи ўн кунлик учун — ўтаётган ойнинг 23-санаси;

— ҳисобот ойининг қолган кунлари учун — кейинги ойнинг 3-санаси белгиланган.

Акциз солиғ тўловчилар ўзлари жойлашган ҳудуд солиқ идораларига ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмай ўтган ой учун ҳисобот тақдим этишлари шарт.

Юқорида зикр этилган қарорга асосан 1995 йилда акциз солиғи миқдорларига ўзгартиришлар киритилди ва айрим маҳсулот турлари учун акциз солиғи жорий этилди ва айримлари учун бекор қилинди.

Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА
ёзиб олди.

---

Билим масканларида

# ЗУККОЛАР БАҲСИ

Яқинда пойтахтимиздаги Абдушукур Одилов номли 76-ўрта мактабда Шайхонтоҳур туманидаги мактабларнинг она тили ва адабиёт ўқитувчилари йиғилдилар. Бу ерда 10 "А" синфининг "Адиби нури адаб", 11-"А" синфининг "Хотира" ва 11-"Б" синфининг "Ақли қодирлар" гуруҳлари ўзаро куч синашишди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўйилган шартлар турли-туман бўлиб, кўпроқ Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини қамраб олди. Зукколар баҳсида адибнинг асарлари таҳлил қилинди, у ҳақда замонавий шоирларнинг шеърлари ёд олинди, саҳна асарлари намойиш этилди.

Сардорлар беллашуви ҳам мактаб ўқувчилари нималарга қодир эканини яна бир бор кўрсатди. Туман мактабларининг она тили ва адабиёт ўқитувчилари бу баҳсни баҳолаб бордилар.

Қизиқарли ва мароқли ўтган беллашувда "Адиби нури адаб" гуруҳи ғолиб чиқди. Гуруҳ сардори Рустам Ҳикматуллаев эса энг истеъдодли сардор деб топилди.

Кеча сўнгида ғолиб чиққан гуруҳ ва алоҳида маҳорат кўрсатган ўқувчиларга эсдалик совғалари берилди.

Матлуба ОБИДОВА.

# Одобнома

## Фалсафий мушоҳадалар

# УМР САБОҚЛАРИ

Ёши улғаяётган ҳар бир инсон ўз ўтмишига назар ташлайди. Яшаб ўтган умрининг сабоқларидан ўзига маълум бир хулоса чиқаради. Одам боласининг ўз-ўзига савол бериб, унга жавоб қидириб яшаши бамисоли нафас олиб, нафас чиқаришдек гап. Нафас олмасдан эса яшаб бўлмайди. Чинакам инсон бир ўзи нафас олмайди, балки теварак атрофдагилар билан биргаликда, улар билан ҳамнафас бўлиб яшайди. Машҳур қорақалпоқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов ёзганидек, кимки ўз уйини кенг олам билан бирлашиб кетишини истаса, оламнинг бир парчасини ўз уйида кўрмоғи лозим. Шундагина у бошқа одамлар билан, ўз халқи билан, бутун инсоният билан ҳамнафас бўла олади.

Инсон ҳаётининг маъноси ҳам ўз-ўзига ҳисоб беришдан, ўз фаолиятини тергаб, назорат қилиб туришдан иборат. Ана шундагина у кечмиш-кечирмишларига чуқурроқ назар ташлайди. Бу билан ўз халқи тақдирини теранроқ англаш имконини топади. Зеро, ҳар бир инсон ўз халқи тарихини муайян даражада акс эттиради.

Донишмандлардан бири "Ёш ўтиши билан инсон ўз ўтмиши билан яшай бошлайди", деб бежиз айтмаган. Ҳақиқатан ҳам одам маълум ёшга етганда бошидан кечирган аччиқ-чучук дамларини эслайди ва уларни бугунги куни билан таққослайди, яхшиларидан мамнун бўлади, ғалаба-сурурларидан қониқиш ҳосил қилади, хато қилиб қўйган кунларини эслаб афсусланади. Ўша вақтда нақадар содда бўлганлиги ўзига қизиқ кўриниб кетади-да мийиғида кулиб ҳам қўяди. Шунинг учун донолардан бири "Киши ўз ўтмиши билан кулиб хайрлашади", деб таъкидлаганди.

Ҳар бир инсон ўтмишда қилган хатоларидан уялади. "Нега энди мен шундай ноқулай ишларни қилган эканман. Улар арзимаган, тузатса бўладиган хатолар экан-ку", деб қўяди. Ўзининг ожиз томонларини тан олиш билан инсон кучли, ўзининг ҳақ эмаслигини англаш билан эса илгарига нисбатан ақллироқ бўла бошлайди. Халқимизда "Ақлли бир марта янглишади, аҳмоқ эса бир хатони минг марта такрорлайди", деган нақл бор. Кексаларнинг "Кечаги кунинг бугун сенга ёқмаса, хурсанд бўлавер, чунки сен ўсаяпсан" деган доно ўгити бор. Ўтган кунларингдаги хатоларни англаб етиш, бугунги кунда шу хатоларни такрорламасликка ундайди. Такрорламасликка ҳаракат қилишнинг ўзи кучли иродани талаб қилади.. Ирода характернинг тобланишидан келиб чиқади. Инсон хулқ-атвори ўзининг "МЕН" учун курашишининг оқибатидир. Баркамол инсонгина ўзлигини курашчи сифатида кўрсатади.

Ҳаёт сўқмоқларидан юриб бориб, ўз йўлини топишга интилган ҳар бир ёш ҳаёт мазмуни нимадан иборат эканлигига эътибор бериши ва яхшилаб ўрганиб олишини жуда истар эдик. Ҳаёт жуда мураккаб ва зиддиятли. Уни шиддатли, тўлқинли тоғ дарёсига ўхшатгимиз келади. Бу дарё суви тошдан тошга сакраб, йўлида учраган ҳамма нарсани ўзининг тўлқинлари билан ларзага келтириб, енгил-елпи хору-хасларни улоқтириб ташлайди. Унинг тўлқинларига чидаганларгина яшашга қодир. Яшаш учун кучли бўлиш керак экан. Кучли инсон эса жисмонан бақувват, руҳан тетик ва маънавий бой бўлади.

Жамият тараққиёти доимо нурафшон йўл билан илгариламайди. Тарихий жараёнда орқага қайтишлар ҳам, бир жойда депсиниб туришлар бўлиб туради. Бир мутафаккирнинг ёзишича, тарих йўли шоҳ кўчанинг йўлкаси эмас, кимки энгини чанг ва этигини лой қилишдан қўрқса, ижтимоий фаолият ишларига аралашмай қўяқолади. Ҳар бир инсон гўдакликда пок ва беғубор бўлади. Ана шу беғуборликни бир умр сақлаб қолиш, инсоний баркамоликка эришиш учун у нималар қилмоғи лозим. Пок туғилган одам боласи кишилар ва уни ўраб олган ижтимоий муҳит таъсири, нотўғри тарбия натижасида салбий иллатларни ўзида намоён қилади. Демак, ҳар бир инсонни салбий таъсирлардан сақлаш лозим. Бунинг учун эса яхшилик билан ёмонликни, поклик билан нопокликни, ҳалоллик билан харомни, савоб билан гуноҳни ажрата билишни ўрганмоқ зарур. Ўрганиш эса осонликча бўлмайди.

Бунинг учун юқорида айтганимиздек, ички туғёнлар кураши, ирода тобланиши, хулқ-атвор шаклланган бўлиши лозим. Шунингдек, ҳар бир ёшда муҳаббат ва нафрат туйғуси бўлмоғи шарт. Зеро, яхшиликка муҳаббат бўлмаса ёмонликка нафрат ҳам туғилмайди ёки аксинча. Улар бир бутуннинг ўзаро алоқадор икки томонларидир. Нафратсиз муҳаббат, муҳаббатсиз нафрат бўлмайди. Ёмонликни кўрмай туриб, яхшиликнинг қадрига етиш, нафратланмай туриб, чинакамига севиш мумкин эмас. Ана шундагина ҳар бир ёш ўзлигини намоён қилади, ўзлигини англаган инсонгина бу ёруғ оламда мустақил ва мағрур яшашга қодир.

Фозилжон ИСМОИЛОВ,
фалсафа фанлари доктори.

**Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг одобнома кафедраси қошида ташкил этилган "Оила" илмий лабораторияси мунтазам равишда ўзбек оилаларининг муаммолари устида иш олиб боради. Унинг ҳозирги кундаги тадқиқотлари хусусида сўзлаб бериш учун кафедра ва лаборатория мудири, педагогика фанлари доктори, профессор Ойниса Мусурмонова билан учрашдик.**

## Олима билан суҳбат

# ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ АСОСИГА ҚУРИЛСА...

— Бугунги кунда илмий жамоамиз асосан ўзбек оилаларида эр-хотин ва қон-қариндошлик муносабатлари маънавий-ахлоқий асослари, болаларнинг жинсий тарбияси ҳамда баркамол шахсни шакллантиришда оилавий қадриятларнинг аҳамияти мавзуларида тадқиқотлар олиб бормоқда, — деди Ойниса Мусурмонова. — Шунингдек фаолиятимиз доирасига маҳалла—мактаб—оила концепциясининг биргаликда мустаҳкам оилани шакллантиришдаги роли, ўзбек миллий маросимлари — оила таянчи мазмунидаги тадқиқотлар ҳам киради.

Ушбу масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, уларни тадқиқ этиш, оммалаштириш мақсадида оилаларда, маҳаллаларда, мактабларда бўлиб, хулосаларни умумлаштирган ҳолда иш қўрилмоқда. Турмушдаги нохуш жараёнларнинг бола тарбиясига таъсирини ўйлаб, аввало оилавий муҳитни яхшилашга қаратилган тадбирлар устида иш олиб борилмоқда. Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, бугунги кунда оилавий қўйдичиқдиларнинг асосий сабаби оила қураётган йигит ва қизларнинг рўзғор ишларига тайёр эмаслигига бориб тақалар экан. Ҳақиқатан ҳам кўпгина йигитларимиз ҳанузгача рўзғор ишларини, қизларимиз эса уй тутишни яхши билишмайди. Бунинг боиси миллий қадриятларимиздан узоқлашиб кетганимиздадир. Ҳолбуки, қадимда "Эркакликка ўтиш" деган маросимлар бўлган экан. Унда уйланиш арафасидаги йигит кексалар иштирокида рўзғор қилишнинг барча чиғириқларида синаб кўрилган. Синовдан ўтолган йигитларгина уйланишга фотиҳа олар эканлар.

Худди шунинг учун ҳам биз республика миқёсида "Оила" маркази тузилиши лозим деб ўйлаймиз. Бу марказ ўз доирасида педагоглар, тиббиёт ходимлари, руҳшунослар, социологлар ва бошқа касб эгаларини бирлаштириши даркор. Унинг жойларда ўз шохобчалари бўлиши, хусусан маҳаллалар қошида мустақил турмушга тайёрлаш курслари ташкил этилиши, уларни турмуш аччиқ-чучугини тотган кексалар, юқорида айтилган мутахассислар олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Бундай курсларда асосан бола тарбияси, тўғрироғи одоб-ахлоқ, жинсий тарбия ҳамда рўзғоршунослик асослари ёшларга ўргатилади.

Ана шу мақсадларни амалга оширишда республикамизнинг барча олий ўқув юртларидаги ҳамкасбларимиз билан шартномалар тузиб, фаолиятимизни мувофиқлаштирмоқдамиз. Ҳозирча Қарши, Самарқанд, Наманган университетлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйдик. Ушбу ҳамкорлик ёрдамида ўзбек халқининг барча маънавий қадриятларини қамраган ҳолда ўрганиб, улардан самарали фойдаланиш кўзда тутилган.

Абдумалик
АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.



*Халқимизда "Қари бор уйнинг — зари бор" деган ажойиб нақл бор. Бу гап бежиз айтилмаган. Чунки ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, унинг сўқмоқларидан ўтган қарияларимиз доимо фарзандларини одобли ва ахлоқли бўлишга, ота-онани ҳурмат-иззат қилишга, одамларга қўлидан келганча яхшилик қилишга даъват этишади. Чиндан ҳам инсонларга яхшилик қилишдан ҳам улуғроқ неъмат бўлмаса керак. Шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Иркутск кўчасида яшовчи Абдулла ота ва Меҳри опа Мадусмоновлар ана шундай кўпни кўрган, эл орасида ҳурмат-эътибор қозонган кексаларимиздан. Уларнинг оиласида доим тинчлик ва хотиржамлик ҳукмрон. Оила сарбонлари бир дастурхон атрофига тўпланиб қолишганда ўғил-қизларига, невара ва эвараларига одамлар хизматига камарбаста бўлишдан, уларга яхшилик қилишдан панд-насиҳатлар қилишади. Бу оилада 9 ўғил, 3 қиз, 33 невара ва иккита эвара дунёга келиб, камолга етмоқда. Эндиликда Абдулла ота билан Меҳри опа фарзандлар ардоғида.*

*Козим Ўлмасов олган сурат.*

**Ўзбекистон эстрада юлдузларининг куй-қўшиқлари ҳамиша халқимизни мафтун эта олади. Айни вақтда кўплаб истеъдодли эстрада хонандалари, дасталар, гуруҳлар тобора элга танилиб бормоқда. Ана шу гуруҳларнинг барчаси Ўзбекистон эстрада бирлашмасининг таркибига киради. Бирлашманинг ўз олдига қўйган мақсади, муаммолари, режалари ҳақида сўзлаб беришни унинг директори Санжар Зиёмовдан илтимос қилдик.**

— 1991 йили аввалги "Ўзбекконцерт" ташкилоти қайта тузилиб, Ўзбек Давлат эстрада бирлашмаси ташкил этилди. Ўзбек Давлат эстрада бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги ўз ишини хўжалик ҳисобида олиб борувчи ташкилот ҳисобланади. У республикамиздаги мусиқий дастурлар, ижодий сафарлар уюштирадиган энг йирик ташкилот ҳисобланади. Ўз тасарруфида бўлган ансамбллар, ижрочилар, гуруҳларнинг концертларини уюштиришдан ташқари бу бирлашма юртимизга яқин-узоқ давлатлардан турли эстрада ансамблларини таклиф қилиб, концертлар ранг-баранглигини таъминлаб турарди.

## Ижодий бирлашмаларда

# ЮЛДУЗЛАР ЧАРАҚЛАЙВЕРСИН

**— Бугунги кундаги бирлашманинг аҳволи ҳақида батафсилроқ сўзлаб берсангиз.**

— Ҳозир Ўзбек Давлат эстрадаси ўз бошидан бирмунча қийин кунларни кечирмоқда. Авваламбор бирлашма ўз биносига ва концерт залига эга эмас. Мусиқий томошаларни ўтказиш учун шаҳардаги концерт зали ёки саройларни катта пулга ижарага олишга мажбурмиз. Гуруҳларнинг ижод қилиши учун машқ хоналари мавжуд эмас. Ҳозирда эстрада жанрини замонавий овоз кучайтирадиган радио жиҳозларсиз ҳамда электрон мусиқа асбобларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Афсуски, жамоаларимиз замон талабига жавоб берадиган, юқорида номи қайд этилган жиҳозларга эга эмас. Муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда бирлашмамиз жамоатчилик ҳайъати йиғилишида, мутахассислар иштирокида атрофлича кўриб чиқилди. Мавжуд камчиликларни эътироф этган ҳолда, бизга моддий ва услубий ёрдам бериш режалари белгиланди.

**— Кейинги пайтда енгил-елпи матндан иборат бўлган эстрада жанридаги қўшиқлар кўпайиб кетмадимикан?**

— Тўғри айтасиз. Баъзи норасмий кичик корхоналар, уюшмалар қошида мусиқий гуруҳлар пайдо бўляпти. Уларнинг ижро даражаси, қўшиқ савиясини назорат қилиш мумкин бўлмай қолди. Фақат пул топиш мақсадида ўз мусиқий низомлари моддасига "маданий тадбирлар" тушунчасини киритиб, концертлар қўйиб юришибди. Бу ерда жанрнинг ривожланиши, ижрочилар маҳоратини ошириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

**— Режалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Олдимизга қўйган режаларимизни кўриб чиқадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат. Ташкилотимиз қошида ижод қилаётган "Обид А" театри, Азим Муллахонов раҳбарлигидаги "Нола" гуруҳи, "Шофайз" эстрада гуруҳи, Нодира Султонова иштирокидаги "Осмон" гуруҳи ва бошқа ижодкорлар иштирокида томошабинларга манзур бўладиган янги мусиқий дастурлар тайёрлашни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу дастурларни тайёрлашга республикамизда ижод қилаётган бастакорлар, шоирлар, сценарий муаллифлари, режиссёрлар ҳамда балетмейстерларни таклиф этамиз. Ундан ташқари томошабинларга манзур бўлиб қолган ижодкорлар билан бир қаторда истеъдодли ёшларни аниқлаш мақсадида шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида эстрада кўрик-танловини ўтказиш мақсадимиз бор. Иқтидорли қўшиқчи ёшларимиз кўп. Уларни катта саҳнага олиб чиқиб, элимизга танитиш бизнинг асосий мақсадимиздир.

Суҳбатдош
Назокат УСМОНОВА.

## Маънавий меросимиздан

# ЁНАЁТГАН ШАМ НУРИ

Шарқнинг барча улкан сўз санъаткорлари — буюк сиймолар ижодида эзгулик тарғиби, панд-насиҳат мавзуси асосий ўрин эгаллайди. Зотан, адабиёт сўзи адаб сўзини ўз ичига олади. Шунингдек, улкан қалам соҳиблари ўз ижодлари билан ўзлари яшаб ижод этган даврга мансуб бўлиб қолмай, инсоният тарихий тараққиётининг барча даврларида кишиларга ҳамкор, ҳамроҳ ва ҳамнафас бўлиб келганлар. Зеро, улар фаолияти ва ижодида феодал ўтмишга эмас, балки келажакка — бизнинг давримизга мансуб жиҳатлар ҳам бекиёсдир.

**Шамдек бўл, шамни кўр куйиб қалбу тан,**
**Ўзгалар базмини қилади равшан.**
**Булут бўл, сув бериб қуйганда ёмғир,**
**Гулни ҳам, хасни ҳам суғорар бир-бир.**

Буюк шоир Жомийнинг юқоридаги сатрлари таъбир жоиз бўлса, эзгулик чақириғи, Шарқ адабиётининг етакчи ғоявий йўналиши сифатида барча сўз санъаткорлари ижодида ранг-баранг кўринишда ўз ифодасини топган. Шунингдек, улар ижодида ўрин олган мардлик, инсонпарварлик, халқпарварлик ватанпарварлик, тўғрилик ва ҳалолликни мадҳ этувчи илғор ғоялар умумбашарий моҳият касб этади.

Шоир Саъдий инсонпарварлик ғоялари унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари билан ҳам узвий боғланади. Чунончи, инсонпарвар шоир молдунё бандалари, қорни тўқ, кўзи очларни меҳнат аҳлига, муҳтож инсонларга меҳру шафқат қилишга, жувонмардлик, лутфу одамийлик қилишга даъват қилади. Халқ донишмандлиги ва заковатининг маҳсули ҳисобланган панду ҳикмат Саъдий ижодининг асосини ташкил этади. Унинг "Бўстон" ва "Гулистон" асарларини таълим ва тарбиянинг бадиий қомуси деса муболаға бўлмайди. Улкан сўз санъаткори, донишманд шоирнинг панд-насиҳатларида илм-ҳунар тарғиби, мардлик, жасорат, қаҳрамонлик таърифи ва ташвиқи, инсонпарварлик каби умумбашарий ғоялар илгари сурилади. Шу боисдан шоирнинг панд-насиҳатлари замирида ҳам инсонпарварлик каби илғор ғоялар ётади. Шоир бу мавзудаги асарларида меҳнат аҳлини шарафлайди. Машаққатли, лекин миннатсиз ҳаётни миннатли фаровон яшашдан устун қўяди.Саъдийнинг таъкидлашича бундай ҳаёт, яъни ўз меҳнати билан топганига қаноат қилиб яшаш шахснинг эркини, қадру қимматини белгилайди.

Саъдий панд-насиҳатларида эътиборини қаратган масалалардан яна бири сўзлаш одобидир. Сўзлаш одоби баҳсида мураббий шоир диққатини сир сақлашга қаратади:

**Бировга сир айтиб, сақла дегандан,**
**Дил сирин ҳеч кимга айтмаган маъқул.**
**Ариқ тошиб кетса, боғлаб бўлмайди.**
**Сувни энг бошидан қайтарган маъқул.**

Саъдий бола тарбиясига панд-насиҳатларида алоҳида ўрин ажратиб, болага тарбияни ёшликдан бериш керак деб уқтиради:

**Кимгаки ёшликдан берилмас адаб,**
**Улғайгач, бўлади бахтсиз, дили ғаш.**
**Хўл навда эгилар қай хилда эгсанг,**
**Қуруқни тўғрилар фақат ўт-оташ.**

Шунингдек, шоир ота-оналарни фарзандини элга, халқи ва ватанига вафодор, садоқатли, хизмат қилувчи бўлиш руҳида тарбиялашга ундайди:

**Ўғлига отаси қилди васият,**
**"Бахтиёр болам, қуй қулоғингга панд**
**Ўз аҳлига вафо қилмаган киши,**
**На севимли бўлур ва на донишманд"**

Саъдий ижодида илгари сурилган аҳлоқий-таълимий қарашларнинг асосини инсонга, халққа хизмат қилиш манфаат етказиш каби эзгу фазилатлар тарғиби эгаллайди. Шоир халққа хизмат қилишни ҳар қандай тоат-ибодатдан муқаддасроқ санайди.

Шоирнинг беназир ўгитлари юксак олижаноблик, одамийлик, меҳнатсеварлик, маърифат тарғиби, вафо, садоқат, ростлик каби илғор ғоялар тараннуми билан суғорилган. У миллий қадриятларимиз тикланаётган бугунги кунда ўз манфаатини кўзлаб халқ манфаатини унутаётган баъзи нафс бандаларини, вақтинча қийинчиликка бардош беролмай енгил пул топиш дардига гирифтор бўлиб умрини бефойда ўтказаётганларни поклик ва баркамоллик руҳида тарбиялашда одобнома дарслиги бўлиб хизмат қилади.

Муҳаббат АҲМАДБОЕВА.

## Маҳалланг — ота-онанг

# ФИДОЙИ АЁЛЛАР

Бу аёлни дастлаб учратганимизда унинг оддийлиги, содда, камтарлиги яққол сезилганди. У кўпчилик ташвишию дардини ҳамиша ўзиники деб билади. Шунинг учун ҳам маҳалланинг катта-ю кичиги алоҳида ҳурмат билан тилга олишади.

Ойимхон Мирзаахмедова узоқ йиллар мобайнида 173-ўрта мактабда она тили ва адабиёт фанларидан дарс бериб нафақага чиққач, зерикиб қолди. Фарзандлари уйли-жойли бўлишган. 6 невара бири-биридан ширин. Уччала келин ҳам эсли-ҳушли, "ойижон" дея эъзозлашади. Қўни-қўшнилар эса иш, тўй-ҳашамларда ва бошқа масалаларда дарҳол маслаҳат сўрайдилар. Бинобарин, Ойимхон аянинг панд-насиҳатлари, йўл-йўриқлари одатда тўғри бўлади. Чунки онахон бундай хулосаларга ҳаётнинг аччиқ-чучукларини кўп марта тотиб, кўриб келган.

Ойимхон ая бир неча йилдан бери маҳаллдаги аёллар билан "гап"да иштирок этади. Асли мураббия эмасми, у аёлларнинг бўш вақтида ўтказилаётган бундай дилтортар йиғинларнинг ҳам тарбиявий томонига алоҳида эътибор бераяпти. Шу боис суҳбатларнинг мавзуи кўпроқ саранжом-саришталик, қайнона-келин муносабатлари, қизлар одоби ҳақида бўлмоқда. Кейинги пайтда "гап"га ёшлар ҳам қўшилишди. Улар Жўрахон ая Тўрахўжаева, Муҳаррам ая Валиева каби кўпни кўрган онахонларнинг ҳаёт тажрибаларидан баҳраманд бўлишаяпти. Ҳадис намуналари, ахлоқ-одобга оид адабиётлар мутолаа қилишаётгани ҳам яхши самара бераяпти. Ойимхон ая ўзига хос мактаб яратганини фахр билан гапиришяпти. Бугунги кунда улар араб тилида китобларни бемалол ўқий олишади, ҳатто чиройли ҳуснихат билан намуналар кўчиришади. Холида Юнусова, Шоина Юнусова, Мавлуда Маҳкамова, Комила Шаҳобиддинова каби ёшлар ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий ва маданий қадриятлардан тўлиқ баҳраманд бўлдилар.

Ойимхон аяга ўхшаш фидойи аёллар борлиги учун пойтахтимиздаги Ф. Зайниддинов номли маҳаллада тинчлик-тотувлик, оила аъзолари ўртасида ҳамжиҳатлик ҳукм суриб бормоқда.

Дония ЗОКИРОВА.

## Муаллим мулоҳазалари

# "ЯХШИЛИК ҚИЛАВЕР ҲАМОН..."

Қадим-қадимдан бизга маълумки, салом-алиги ва муомаласи самимий бўлган, элга доимо нафи теккан дили пок, тўғри сўз, камтарин раҳбарларимизнинг обрўси ҳамиша баланд бўлиб, иззат-ҳурматда юришган.

Шу ўринда бир воқеани айтмоқчиман. Икки қўшни, қишлоқнинг икки раҳбари ўз қишлоқларида кўп яхши ишларни амалга оширишган эканлар. Улар биринчи навбатда мактаблар билан яқин алоқада бўлиб, янги илм маскани ва боғчалар бунёд этишга алоҳида эътибор беришибди. Айниқса, муаллимларга яқиндан ёрдам бериб, уларнинг ҳурматларини жойига қўйишибди. Қишлоқ аҳолиси эса тўқ, фаровон яшай бошлабди. Хуллас, халқ иккисидан ҳам миннатдор экан. Лекин ҳар иккисининг тавсифида ўзига хос хислат ва фазилатлари бор экан.

Биринчи раҳбар кўпроқ халқ билан бирга бўлиб, катта лавозимдагилар билан ҳам, оддий кишилар билан ҳам бир хил саломалик ва муомала қилар экан. Қишлоқ аҳлининг ҳар бир маросимларида доимо иштирок этиб, лозим бўлса ёрдамини дариғ тутмас экан. Қишлоқнинг катта-ю кичиги уни ниҳоятда ҳурмат қилар экан.

Иккинчи қишлоқнинг раҳбари эса баъзан лавозимига, фойдаси тегиши ва тегмаслигига қараб муомаласини ўзгартириб турар экан. Кўпроқ хонасида, буйруқ билан иш юритишни хоҳлар экан, ҳар бир одам билан яқин муомалада бўлсам, обрўйим тушиб кетади, деб ўйлар экан.

Иттифоқо, икки қишлоқ бирлашиб, унга биринчи қишлоқнинг бошлиғини раҳбар, иккинчи қишлоқнинг раҳбарини эса унга ёрдамчи қилиб сайлашибди. Шунда иккинчи раҳбар бироз ранжиб, кекса бир доно одамдан сўрабди:

— Мен ҳам, у ҳам қишлоқларнинг обод бўлиши, одамларнинг фаровон яшашига бирдай ҳисса қўшдик. Нега уни мендан юқорига кўрсатишди. Сиз бунга нима дейсиз?

Доно одам ўйланиб туриб, шундай жавоб қилибди:

— Сен ҳам жуда кўп савобли ишлар қилдинг, буни халқ жуда яхши билади. Лекин сен, халқдан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилдинг. Сенинг муомалангда баъзан сохталик ҳам бор эди. Аммо қишлоқ аҳли сенинг хизматларингни ҳам муносиб тақдирлаб, эътиборли лавозимга кўтарди. Бунинг учун чексиз хурсанд бўлиб, ўзингдаги айрим камчиликларни йўқ қилишга ҳаракат қилгин.

Мазкур воқеада раҳбарларнинг саломлашиши, муомаласи ва қишлоқда қилган хайрли ишлари ҳақида фикр юритилади. Бунинг боиси бор, албатта. Ёзиш, ўқиш ва одобни ўқитувчидан ўрганганимиздек, самимият ила саломлашиш, яхши муомала, меҳр-оқибат, одамийлик ва тўғри иш юритиш йўлларини доно раҳбарларимиздан ўрганамиз.

Сир эмаски, орамизда шундай раҳбарлар борки, мансабу мартабанг ёки фойданг тегиши-тегмаслигига қараб салом-алик ва муомала қиладилар. Фойданг тегмайдими, улар назаридан четда қолаверасан. Инсоннинг инсондан ортиқ ёки кам томони йўқ. Фарқи фақат мансабу бойликлари, илмларида бўлиши мумкин. Салом-алик, муомала қилиш кишининг лавозимига ва ёшига қараб белгиланмайди. Кўришиш, саломалик, муомала каттаю кичик учун самимий бўлса, бу ҳурматдандир. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, оёғимизни чалиштириб ўтириб қўл берамиз, ёшлар ва оддий одамлар билан писанд қилмай кўришамиз, муомала қиламиз. Бирор лавозимли ёки босартусарини билмай қолганлар билан пешвоз чиқиб, ҳол-аҳвол сўрашамиз.

Шуни унутмайликки, айниқса ёшларимиз катта ёшдагилардан ўрнак олади, ўрганади. Шундай экан, иложи борича ҳамма билан самимий салом-алик қилиб кўришсак ва муомала қилсак ҳамда бизни йўқлаб келган каттаю кичикка қўлимиздан келганича маслаҳату ёрдамимизни аямасак эл-юрт олдида обрўйимиз ошаверади. Абдураҳмон Жомий айтганидек:

**Яхши хулқли бўлгил ҳамда соф кўнгил,**
**Одамларга доим инсофли бўлгин.**
**Бу меҳнатхонада яхшию ёмон,**
**Учрайди, яхшилик қилавер ҳамон.**

Собиржон БОБОМЕТОВ,
Тошкент туманидаги I-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.

## Одами эрсанг...

# БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ

Эрталаб бекат сари ошиқаман. Юмушга, бозор-ўчарга йўл олган қўни-қўшнилар, таниш-билишларни тез-тез учратаман. Ҳар бири шошгани-шошган, дурустроқ ҳол-аҳвол сўрашга ҳам улгуришмайди.

— Соғ бўлинг! Омадингизни берсин! — дейишади-ю ўтиб кетишади. Шунга ҳам шукр. Эрта билан эшитган бир оғиз ширин сўздан кўнглим тоғдек кўтарилиб, йўлимда давом этаман. Одамзод яхши гапга нақадар муҳтож-а? Азиз ота-боболаримиз бир-бирига яхшилик қилиб, етим-есирларнинг бошини силаб, йиқилган одамни турғазиб қўйишга интилиб яшаганлар. Ўз фарзандларини савоб иш қилишга ундаганлар. Нимагадир уларнинг бу ибратли одатлари ва ўгитлари кейинги пайтда унутилиб қолаётгандай бўлиб туюлаётгани ҳар бир кишини ўйлантириб қўяди.

Троллейбусга чиқаман. Одам тирбанд. Ҳамма бир-бирини туртган. Уч-тўрт ўриндиқни эгаллаб олган ёш йигит-қизлар тепаларида кексалар турган бўлса-да, парво қилмай ўзаро суҳбатлашиб кетмоқдалар:

— Костюминг жуда зўр-ку! Қаердан олдинг?

— Танишим Туркиядан олиб келди. Ўзингнинг оёғингдаги ҳам импортний шекилли?!

— Ҳа, онам тижорат йўли билан Фарангистонга бориб, ўша ердан келтириб берди. Сенга ёққан бўлса, топиб бераман. Фақат долларга!..

Мени бошқа бир нарса ҳам ўйлантириб қўяди. Одамлар таранглашган асаблари аламини бир-бирларидан олишга интилишади. Бири:

— Ҳой, қўлингни ол, биқинимни тешиб юборди-ку! — деса, иккинчиси:

— Окаси, бу транспортда юриш малол келаётган бўлса, таксида кетинг! — деб ўдағайлайди.

Ўртада жанжал бошланади. "Биродари азизлар. Арзимаган нарсани катта жанжалга айлантирманглар!" дейдиган одам топилмай қолади. Мабодо топилиб қолса ҳам, балога қолади. Уришиб турган икки киши энди унга ёпишиб кетадилар.

— Сенинг нима ишинг бор! Йўлингдан қолма! Ақлинг кўпайиб кетган бўлса, бор, хотинингга ўргат!

Асаблар! Орамизда сал нарсага бақириб-чақирадиган, тез жаҳли чиқиб кетадиган одамлар учраб турибди. Кексалар: "Оғир, вазмин одам", "Мулоҳазали, меҳрибон одам" деган ибораларни ишлатардилар. Бундай инсонлар доимо эъзозлаб келинган. Ёмон одамларга баҳо берганларида эса "Жиззаки, шартаки, беттачопар" каби сифатларни берганлар. Азизлар, бизлар ҳам ота-боболаримиз йўлини тутсак, асабларимиз камроқ бузилади, орамизда доим иззат-икром бўлади.

**Умр чуваланган йўлдан иборат.**
**Тупроқ кўчаларда сонсиз қадамлар.**
**Ҳар ким ўзи учун қурар иморат.**
**Оғир дам асабни бузманг, одамлар!**
**Эрта ҳам бу қуёш ярқираши бор.**
**Толеинг кулади азизим, ишон.**
**Сабр қил, сабр қил, сабр қил такрор.**
**Бахтли бўлғусидир сабрли инсон!**

ТЎЛҚИН,
шоир.

